Emro Science and Education
Open-access scientific journal
Journal homepage: https://journal.emro.uz
OPEN ACCESS

CONFERENCE PAPER OPEN ACCESS

Vol. 1 No. 3 (2024) · “Hududlarni ijtimoiy-iqtisodiy rivojlantirish dasturlarini moliyalashtirish tendensiyalari” mavzusidagi respublika il...

МОЛИЯВИЙ ҲИСОБОТЛАРНИ ҲИСОБ СИЁСАТИДА ЁРИТИБ БЕРИШ МАСАЛАЛАРИ

Холматова Нодирахон Қуддусовна
ТДИУ, Андижон факультети “Мутахассислик фанлари” кафедраси ўқитувчиси
Emali: nodirahonholmatova74@gmail.com

Маълумки, рақамли иқтисодиёт даври молиявий ҳисоботларни тузишда мутлоқ янги талабларни қўймоқда. Сабаби, бугунги рақамлаштириш даври республикамизда фаолият юритаётган акциядорлик жамиятларида молиявий ҳисоботларни тузиш ва уни тақдим этиш концепциясини халқаро стандартлар талабларига (МҲХС) мувофиқлаштиришни тақозо этмоқда, бу эса молиявий ҳисоботларни тузишнинг янги архитектураси шаклланиб келаётганлигидан далолат беради. Биз бу билан нима демоқчимиз, яъни соддароқ қилиб мазмунига тўхталадиган бўлсак, тижорат банклари ўзларининг тезкор ва стратегик бошқарув қарорларини қабул қилишда ҳам қатор муаммоларга дуч келмоқдалар, жумладан:

Биринчи, тадбиркорлик субъекти муомалалар бўйича юзага келган муаммолар ёки кўрилаётган зарарлар миқдори молиявий ҳисоботларда қандай очиб берилади (молиявий ҳисоботларга берилаётган иловалар ёки тушунтириш хатларида);

Иккинчи, рақамлаштириш шароитида тадбиркорлик субъектининг молиявий ҳисоботларида акс эттирилган маълумотларни қай даражада ишончли деб баҳолаш мумкин;

Учинчи. бугунги кунда тадбиркорлик субъектларининг молиявий ҳисоботларни тузишга қандай минимал талаблар қўйилади.

Ушбу саволларнинг ижобий ечимини топиш бугунги кунда ҳар бир тадбиркорлик субъекти раҳбари ёки менежери ҳамда бухгалтер мутахассислари учун долзарб масалага айланди. Молиявий ҳисоботларни тузишда аввао, унинг тамойиллари ва қоидаларини ўзида акс эттирадиган ягона ҳужжат банк ҳисоб сиёсатини тўғри шакллантиришга эътиборни қаратиш лозим.

Рақамлаштириш шароитида молиявий ҳисоботларда очиб бериладиган маълумотларни шакллантиришда ҳисоб сиѐсатининг зарурияти нимада намоён бўлади. Аввало, шуни таъкидлаш керакки, ҳисоб сиёсатига бағишланган халқаро стандартнинг мақсадида қуйидагилар алоҳида белгилаб қўйилган: “...тадбиркорлик субъектининг молиявий ҳисоботларида акс эттирилган ахборотнинг ўринлилиги ва ишончлилиги ҳамда бу молиявий ҳисоботларнинг даврлараро ва бошқа тадбиркорлик субъектларининг молиявий ҳисоботлари билан қиёсланувчанлигини оширишга қаратилган”[14].

Натижада, хозирги рақамлаштириш шароитида тадбиркорлик субъектларида тузилаётган молиявий ҳисоботлар ишончли ва ўринли эканлиги

[14] IAS 8 Accounting Policies, Changes in Accounting Estimates and Errors/ https://www.ifrs.org/issuedstandards/list-of-standards/ias-8-accounting-policies-changes/

Published: 17.05.2024
Cite this article: Холматова Нодирахон Қуддусовна (2024). Молиявий ҳисоботларни ҳисоб сиёсатида ёритиб бериш масалалари. Emro Science and Education, 1(3). https://journal.emro.uz/public/maqola/127
© 2024 The Author(s). Published by Emro Science and Education. This is an open access article.

ҳам уларга баҳо беришда маълумотларнинг таққослаш имконини бериши керак бўлади.

Тадбиркорлик субъектларида молиявий ҳисоботларни тузишда халқаро стандартларда белгиланганидек, ҳисоб сиёсатига эътибор қаратиш лозим бўлган яна бир жиҳати бу банкларда ҳисоблаб чиқилган баҳодаги ўзгаришдир. Лекин, бу тушунча бизнинг амалиётимизда ёки Молия вазирлиги меъёрий ҳужжатларида ўз аксини топмаган. Ҳисоблаб чиқилган баҳодаги ўзгаришлар асосан банк иқтисодий фаолиятида янги маълумотлар олиниши ёки янги ҳодисалар рўй бериши натижасида юзага келади. Натижада, бу жараён ҳисоботдаги хатоларни тузатиш деб ҳисобланмайди. Бизнинг фикримизча ҳисоблаб чиқилган баҳодаги ўзгаришлар тушунчасини амалдаги миллий стандартлар ёки Молия вазирлиги томонидан чиқарилаётган меъёрий ҳужжатларда акс эттириш лозим бўлади. Сабаби, рақамлаштириш таъсирида содир бўлган ходисалар ва ҳолатларни аниқ ҳисоб сиёсатида кўрсатиб берилиши керак. Демак ҳисоб баҳодаги ўзгаришлар – тадбиркорлик субъектларида активлар ва мажбуриятларнинг жорий ҳолатини ҳамда уларнинг баланс қиймати суммасини тузатишдир.

Молиявий ҳисоботларни тузиш ва уларни шакллантиришда ҳисоб сиёсатида ёритиб берилиши керак бўлган яна бир муҳим масалалардан бири муҳим тушиб қолдиришлар, яъни бузиб кўрсатишларни акс эттириш ҳисобланади. Афсуски, бу қоида ҳам миллий бухгалтерия қонунчилигимизда ифодалаб берилмаган. Ушбу қоидага мувофиқ агар тижорат банкларининг молиявий ҳисоботларидан фойдаланувчилар учун тақдим этилган маълумотлар, улар томонидан иқтисодий қарорларни қабул қилишга ўз таъсирини кўрсата олса, демак буни муҳим тушиб қолдириш ёки бузиб кўрсатиш дейишимиз мумкин. Муҳим тушиб қолдиришлар кўп ҳолатларда банк операцияларининг ҳажми ёки хусусиятларига боғлиқ бўлади. Бундай шароитда субъект бухгалтери томонидан фойдаланувчиларнинг иқтисодий қарорларига таъсир эта олиши ҳамда муҳимлилигини кўриб чиқишни талаб этади.

Тадбиркорлик субъектларида ҳисоб сиёсати қуйидаги ҳолларда ўзгартириши мумкин:

биринчи, субъектнинг ҳисоб сиёсатига ўзгартириш киритиш халқаро стандартлар (МҲХС) томонидан талаб этилганда;

иккинчи, субъект ҳисоб сиёсатига киритилган ўзгартириш натижасида молиявий ҳисоботларда уларнинг молиявий ҳолатига, молиявий натижаларига ёки пул оқимларига таъсир кўрсатиши ва улар бўйича ишончли маълумотларни олиш имконияти яратилганда.

Бизнинг фикримизча тадбиркорлик субъекти ҳисоб сиёсатига жавобгар шахсларнинг (бош бухгалтер) алмашиши натижасида ҳам ўзгартириш киритиш мумкин бўлади. Шунингдек, Молия вазирлиги меъёрий ҳужжатларидаги ўзгаришлар ҳам ҳисоб сиёсатига ўз таъсирини кўрсатиши табиий албатта.

Бугунги кунда субъектларнинг жорий молиявий ҳисоботларини тузиш жараёнида ноаниқликлар мавжуд бўлиши мумкин. Натижада молиявий ҳисоботлардаги кўпгина моддаларни аниқ баҳолаш имкониятига эга бўлмайди,

аксарият ҳолатда молиявий ҳисобот элементлари фақат тахминий (ҳисоблаб чиқиб) баҳоланиши эхтимолдан холи эмас.

Тадбиркорлик субъектларининг молиявий ҳисоботлардаги тахминий баҳолашлар охирги ишончли бўлган ахборотларга таянган ҳолда мулоҳаза қилишни қамраб олади. Масалан, субъектда қуйидагиларни тахминий баҳолаш зарур бўлади: субъект товар-моддий захираларининг қадрсизланиши, субъектнинг умидсиз қарзлари, субъект молиявий активлари ёки молиявий мажбуриятларнинг ҳаққоний қиймати, субъект кафолат мажбуриятлари ҳамда амортизацияланадиган субъект активларининг фойдали хизмат муддати ёки келгусида олинадиган иқтисодий наф (даромад).

Тадбиркорлик субъектларида хатолар молиявий ҳисоботнинг элементларини тан олиш, баҳолаш, тақдим этиш ёки маълумотларни очиб беришда пайдо бўлиши мумкин. Субъектларнинг молиявий ҳолати, молиявий натижалари ёки пул оқимларининг ўзгача тақдим этишга эришиш мақсадида атайлаб қилинган муҳим хатолар ёки муҳим бўлмаган даражадаги бўлган хатолар мавжуд бўлса молиявий ҳисоботлар МҲХСларга мувофиқ тақдим қилинган бўлмайди. Жорий даврда топилган эҳтимолли хатолар молиявий ҳисоботларни чиқаришга рухсат этилишидан олдин тузатилади. Демак ҳисоб сиѐсатини белгиланган талаблар асосида шакллантирилиши молиявий ҳисоботларнинг ўз вақтида тўғри ва ишончли тузилишини таъминлайди.

Тадбиркорлик субъектлари халқаро стандартлар асосида ҳисоб сиѐсатини танлашда ҳар бир қўлланиладиган стандартлар ва шарҳларга (интерпретация) мос келадиган тарзда танланиши ва қўлланилиши тамойилига асосланиши керак. Бизнинг фикримизча ҳисоб сиёсатига асосан субъектларда молиявий ҳисоботларни тузиш тартиби қуйидагиларни қайта кўриб чиқилиши мақсадга мувофиқдир:

биринчидан, молиявий ҳисоботни тузиш даврлари (масалан, тижорат банклари йилнинг чораклари ёки ярим йиллиги бўйича кўрсаткичларни шакллантиради);

иккинчидан, оралиқ ёки йиллик ҳисоботини тайёрлаш санаси.

Халқаро стандарт қоидаларига (БҲХС 8) мувофиқ субъект ҳисобот даври бошида тасдиқланган ўз ҳисоб сиѐсатига, бухгалтерия ҳисоб-китобларидаги ўзгаришлар ва хатоларни тузатиш имкониятига эга бўлади. Бу эса бугунги кунда субъектлардаги ҳисоб сиёсатига мажбурий равишда ўзгартишлар киритишни ва қайта тасдиқлашини талаб этмоқда. Демак, рақамлаштириш шароитида субъектлар томонидан тақдим этиладиган молиявий ҳисоботларини ишончлилиги ва тўлиқлилигини таъминлашда, улардаги ҳисоб сиёсати қуйидагиларни акс эттириши лозим:

биринчи, келгуси даврлар учун банклар ўз фаолиятини давом эттириш қобилиятини баҳолай олиши;

иккинчи, субъект томонидан рақамлаштириш даврида молиявий ҳисоботда ошкор қилиниши керак бўлган маълумотларнинг аҳамиятлилигини кўриб чиқиши ҳамда янги маълумотларни тақдим этиши;

учинчи, субъектлар томонидан тақдим этилган молиявий ҳисоботларда берилган ҳаққоний маълумотлар ҳамда тушунтиришлар фойдаланувчиларни тушуниши учун етарли бўладими èки йўқлигини баҳолаши.

Умумий хулоса қилиш мумкинки, тадбиркорлик субъектларидаги мавжуд ҳисоб сиёсатини халқаро стандартлар талабларига мувофиқлаштириш, уларда молиявий ҳисоботларини тузиш ва тақдим этишнинг янги архитектурасини шакллантиради.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига ўтиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ-4611-сон қарори. 2020 йил 24 февраль.
2. Каримов А., Курбанбаев Ж., Жуманазаров С. – Бухгалтерия ҳисоби. Дарслик /;- Т.. “Иқтисод- молия’’
3. Каримов А., Муқумов З., Тулаев М., Курбанбаев Ж., Раҳмонов Ш.– Бухгалтерия ҳисобининг ахборот тизимлари. Ўкув қўлланма. Т..‘’Иқтисод-молия’’
4. Нарбеков Д . Тўраев А . Раҳмонов Ш. Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари. Ўқув қўлланма. –Т.. ‘’Иқтисод-молия.’’

KORXONALARDA BUXGALTERIYA HISOBINI TASHKIL ETISHNING ME’YORIY-HUQUQIY ASOSLARI

Qo’chqarov Xabibullo
“University of Economy and Pedagogy” NOTM dotsenti
Zafarjonov Murodjon
“University of Economy and Pedagogy” NOTM talabasi

ANNOTATSIYA: *Jahonning moliyaviy-iqtisodiy rivojlanishida mamlakatimizda kichik biznes va xususiy tadbirkorlikni jadal rivojlantirish iqtisodiy o‘sishni ta’minlash, yangi ish o‘rinlarini tashkil qilish, aholining daromadlari va farovonligini oshirishning muhim omili sifatida amal qilmoqda. Shuning uchun ham kichik biznes korxonalarida buxgalteriya hisobini tashkil etish mavzusini o‘qitishda yangi pedagogik texnologiyalarni qo‘llash muhim masalalardan biri bo‘lib qolmoqda.*

Kalit so’zlar: *kichik biznes, tadbirkorlik, buhgalteriya hisobi, soliq siyosati, buhgalteriya reestri, kassa hisobotlari.*

Buxgalteriya hisobining maqsadi foydalanuvchilarni o‘z vaqtida to‘liq hamda aniq moliyaviy va boshqa buxgalteriya axboroti bilan ta’minlashdir. Buxgalteriya hisobining vazifalari: buxgalteriya hisobi hisobvaraqlarida aktivlarning holati va harakati, mulkiy huquqlar va majburiyatlarning holati to‘g‘risidagi to‘liq hamda aniq ma’lumotlarni shakllantirish; samarali boshqarish maqsadida buxgalteriya hisobi ma’lumotlarini umumlashtirish; moliyaviy, soliqqa doir va boshqa hisobotlarni tuzishdan iboratdir. Asosiy va joriy aktivlar, majburiyatlar, xususiy kapital, zaxiralar,